

Бошлангич
ташкilotлар
фаолияти кучаяди



2

Бепул тиббий
кўриқдан
ўтдингизми?



3

Кашандалик —
касаллик!



7

8



Янги йилда таксилар
қандай ҳаракатланади?

Оила



Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Web-site: oilavajamiyat.uz

Жамият

51 (1048)-сон
21 декабрь 2011 йил

2012 йил — МУСТАҲҚАМ ОИЛА ЙИЛИ



Ҳаёт ширин фарзандлар билан!

Кичик сержант Хусниддин Ваҳобовнинг хизматдан уйга қайтишини фарзандлари байрамдек қабул қилади. Бу оила бошлиғига ҳам ўзгача роҳат баҳи этади, албатта.

— Остонада менга пешвоз чиққан фарзандларимнинг юзидаги қувончини кўриб, мен ҳам хурсанд бўлиб кетаман, — дейди у мамнун ҳолда. — Бир зумда чарчоғим тарқайди. Ҳаёт асли фарзандлар билан ширин-да! Бир дастурхон атрофида йиғилганимизда уйимизга яна-ям файз киргандек бўлади. Ана шундай вақтда бахт сурурини чин дилдан ҳисқиламан. Болаларнинг чугур-чугури, ўйин-кулгуси қалбимга хотиржамлик баҳи этади.

Сўхбат асосида Маъмураҳон ҳамма вақт турмуш ўртоғига суянишини, Хусниддинжон

эса садоқатли ёрига доимо ишонишини таъкидлаб ўтди. Ҳа, аҳил-ишоқ оилаларда ҳаминша фаровонлик ҳукм суради. Бундай хонадонда болалар ҳам кўкси баланд, орзуси гўзал бўлиб улғайишади.

Бугун маҳаллада Ваҳобовлар хонадонини барча ҳурмат билан тилга олиб, намунали ҳарбий оила дея бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатишади. Уларнинг “Намунали ҳарбий оила” кўрик-танлови республика босқичида фахрли иккинчи ўринни қўлга киритиб, “Энг доно оила” дея эътироф этилгани эса кўнгилга сурур бағишлайди.

Гулнора ҲОЖИМУРОВА,
лейтенант.

УШБУ СОНДА:

Бир кунлик кўрик —	
бир умрга татийдими?	4
Гўшт маҳсулотлари	
нега арзонлашмоқда?	5
Беваликнинг нони қаттиқ	6
Отасидан нолиган ўғил	6
Мол-мулкни бўлиша	
олмаётганларга маслаҳат	8

Мамлакатимизда аёлларнинг энг аввало, ўз оиласида фарзандлар тарбияси билан шугулланиши баробарида жамиятнинг ҳам фаол аъзоси сифатида барча соҳалар бўйича иштирокини таъминлаш йўлида шароит ва имкониятлар яратилаётгани таҳсинга сазовор. Шу маънода, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан жойларда ўтказилаётган ибратли тадбирлар кўпчиликтида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Пойтахтимиздаги Турин политехника университетиди бўлиб ўтган "Хотин-қизлар кўмиталарининг бошланғич ташкилотлари фаолиятини тақомиллаштириш ва маънавий муҳитни соғломлаштиришда жамоатчилик иштирокини кучайтириш" мавзусида ўтказилган навбатдаги семинарда хотин-қизлар кўмиталари раислари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Ушбу семинарни уюштиришдан кўзланган мақсад хотин-қизлар кўмиталари қошидаги бошланғич ташкилотлар фаолиятини тақомиллаштириш, айниқса, маънавий муҳитни соғломлаштиришда жамоатчилик иштирокини кучайтиришдан иборат, — дейди республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари Гулнора Маруфова. — Эътироф этки керакки, бугунги кунда мамлакатимизда бевосита Президентимиз раҳномалигида хотин-қизлар ҳуқуқ

Бошланғич ташкилотлар фаолияти кучаяди



ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳам оилада ҳам жамиятда фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва унинг жойлардаги барча тизимлари, жумладан, мавжуд 42 мингга яқин бошланғич ташкилоти фаолларига ҳам жиддий масъулият юклашини унутмаслигимиз керак.

Семинар дастури доирасида юртимизда оналик ва бо-

лалик муҳофазаси, репродуктив саломатлигини ҳимоя қилиш, тиббий маданият ҳамда соғлом турмуш тарзи даражасини юксалтириш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва маънавий манфаатлари, шунингдек, қурилаётган ёш оилалар тўғрисида гамхўрлик қилиш мақсадида олиб борилаётган хайрли чора-тадбирларнинг бажарилишида хотин-қизлар кўмиталари янада фаолроқ ишлашини бугунги давр

ЖАРАЁН

талаб этаётгани хусусида сўз юритилди.

— Аҳоли ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, айниқса, энг муҳим вазифалардан бири саналган оилалар мустақамлигини таъминлаш, "оммавий маданият" ниқоби остида ҳаётимизга кириб келаётган салбий ҳолатларнинг олдини олишга жиддий эътибор қаратяпмиз, — дейди Самарқанд вилояти Тойлоқ тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Мўтабар Йўлдошева. — Бундай масъулиятли вазифаларни бажаришда, биринчи навбатда бошланғич ташкилотлар кўмағига суянамиз. Биз уларсиз ўз фаолиятимизни рисоладагидек ташкил этолмаймиз. Шу боис ҳозир маҳаллалар, халқ таълими ҳамда соғлиқни сақлаш муассасалари тасарруфидида ҳам бошланғич ташкилотлари тузилапти.

Анжуманда сўзга чиққанлар маъмур тизим билан боғлиқ бошқа долзарб масалалар ҳамда галдаги муҳим вазифалар хусусида ҳам ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдиришди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова қатнашди ва сўзга чикди.

Нигора РАҲМОНОВА,
"Оила ва жамият" муҳбири.

Мамлакатимизда баркамол авлод тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилган бир пайтда ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, уларда мавжуд қонунларга ҳурмат ҳиссини ошириш барчамизнинг олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир. Бу боранда, айниқса, кейинги йилларда маҳалла, мактаб, оила ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ўртасида ўрнатилган узвий ҳамкорлик қўзланган натижаларни берапти.

Баркамол авлод — мамлакат келажаги

адлия ходимлари ўсиб келаётган авлоднинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ва вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид тарғибот тадбирларини мунтазам равишда амалга ошириб келмоқда.

Бошқа жойларда бўлганидек, бизнинг туманда ҳам ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни гиёҳвандлик, "оммавий маданият" ниқоби

лашдаги роли ва ўрни ҳақида, мамлакатимиздаги барча ислохотлар авваламбор инсон манфаатлари, унинг оиласи ва фарзандлари учун, шу юртнинг фаровонлиги ва тараққиёти учун амалга оширилаётгани тўғрисида атрофлича маълумот беришди. Шунингдек, ҳаммамиз ўз устимизда ишлашимиз, аввало, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онгимизни юксалтиришимиз, сиёсий фаоллигимиз ва фуқаролик масъулиятимизни оширишимиз лозимлиги ҳам таъкидланди.

Бинобарин, мақсадимиз ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган экан, эртанги муваффақиятларимиз бугунги ёшларнинг таълим даражаси, ҳуқуқий саводхонлигининг юқорилигига боғлиқлигини унутмаслигимиз лозим. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, онги, тафаккури, эътиқоди мустақам бўлган, ўз мустақил фикри билан яшаётган одамни чалғитиб ҳам, кимлардир хоҳлаган томонга оғдириб ҳам бўлмайди.

Нодир ОРТИҚОВ,
Тошкент шаҳар Миробод туман
1-сонли ДНИ катта нотариуси.

Эътиқод собит бўлса...

Бугунги кунда республикаимизда олиб борилаётган ислохотлар ўзагини ҳуқуқий онги ва маданияти юксак баркамол авлоднинг тарбиялаш масаласи ташкил этмоқда, десак янглишмаймиз. Шу маънода Адлия вазирлиги томонидан тизимдаги барча идоралар эътиборини баркамол авлоднинг жамият ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий фаоллигини ошириш, ёшларга тўғри йўл-йўриқ кўрсатиш, мавжуд муаммоларни биргаликда бартараф этишга кўмаклашиш масалаларига қаратаётгани яхши самара бераётир. Ҳар йили белгиланган иш режасига кўра,

остидаги иллатлардан асрашга қаратилган тадбирларга алоҳида эътибор қаратиляпти. Масъул идоралар билан ҳамкорликда мактаб, лицей ва коллежларда "Биз экстремизмга қаршимиз!", "Ҳуқуқингизни биласизми?", "Огоҳликка даъват" каби мавзуларда учрашув, давра суҳбатлари ва очик мулоқотлар ўтказиш кенг йўлга қўйилган.

Яқинда Конституциямиз қабул қилинганнинг 19 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирларда ҳам адлия идоралари ходимлари Асосий Қонунимизнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъмин-

Мустақиллигимизнинг илк йилларидаёқ ёшлар масаласига давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бири сифатида қаралгани бежиз эмас. Шу пайтгача қабул қилинган юзга яқин қонун ҳужжатлари бевосита ёшларга дахлдорлиги ҳам фикримизни исботлайди. Шунингдек, вояга етмаганлар ҳуқуқларига доир халқаро меъёрий ҳужжатлар миллий қонунчилигимизда ўз аксини топган.

Қонун ҳужжатлари ижросининг самараси ўларок, юртимизда вояга етмаганлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида ўзига хос институционал тизим яратилди. Республика Бош прокуратури раҳбарлигида ва жойларда вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари тузилди.

Ҳуқуқий мақоми мустақам

Ички ишлар вазирлиги қошида вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоя қилиш маркази ташкил этилди.

Мамлакатимизда бола ҳуқуқларини кафолатлашга қаратилган амалий ишлар натижасида 2008 йил 7 январь куни "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун Президентимиз томонидан имзоланиб, амалиётга татбиқ этила бошланди. Ўзбекистон миллий қонунчилигидаги бола ҳуқуқларига доир мавжуд меъёрилар мазкур қонун ишлаб чиқиши жараёнида жамланиб, яхлит ҳолга келтирилди ҳамда зарур жиҳатлари тақомиллаштирилди, шунинг-



дек, янги нормалар билан тўлдирилди.

Рамзий маънода болалар конституцияси дея эътироф этиладиган бу қонуннинг тамал тошини вояга етмаган шахслар ҳуқуқларининг кафолати ташкил этади. Эътиборлики, қонунда боланинг индивидуалликка ва уни сақлаб қолишга бўлган ҳуқуқи, ҳимояга ва оилавий муҳитга бўлган ҳуқуқи, гайриқонуний кўчирилшидан ҳимояланиш ҳуқуқи, ўз фикрини ифода этиш, ахборот олиш, сўз, виждон ва эътиқод эркинлиги, шунингдек, хусусий мулкка, турар жойга бўлган ҳуқуқи, соғлиқни сақлашга, билим олишга, хуллас, бо-

лалар турмуши ва ҳаёт тарзининг барча соҳасига дахлдор ҳуқуқлари тўлиқ кафолатланган.

Ёшларга доир давлат сиёсати йўналишидаги ҳуқуқий асосларнинг мунтазам равишда мустақамлигини борилаётгани юртимизда ёшларга кўрсатилаётган юксак эътибордан далолат бериши табиий. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, бугун юртимизда болалар ҳаёти, таълим тарбияси, маънавий ва ахлоқий камолотига дахлдор барча масалалар давлатимизнинг муҳим вазифаларидан бири сифатида ўзига хос ҳуқуқий мақом касб этган.

Фирӯз ТУРСУНОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьяси.



ШУ СОНГА ХАБАРЛАР

Хайрия тадбири

Яқинда Талимаржон шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан "Ҳеч ким меҳр-эътибордан четда қолмасин" шиори остида хайрия кечаси уюштирилди. Тадбирда 61 нафар имконияти чекланган фуқароларга шаҳар ҳокимлиги ҳамда ҳомийлар томонидан совға-саломлар тақдим этилди. Яна бир эътиборли жиҳати, ётиб қолган хаста-беморлар аҳолидан ҳам хабар олиниб, уларга озиқ-овқат маҳсулотлари ва маълум миқдорда моддий кўмак берилди.

Ҳокимликдан бизга хабар қилишларича, шу кунги корхона, ташкилот, хусусий фирма ва тадбиркорлар томонидан бир миллион 830 минг сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилибди.

Шавкат СУЛТОНОВ,
"Оила ва жамият" муҳбири.

"Фидойи ёшлар" клуби

Наманган шаҳар ижтимоий-иқтисодий ва педагогика коллежиди 1706 нафар ўқувчи билим олмақда. Уларнинг 220 нафари «Фидойи ёшлар» клубига аъзо. Иқтидорли, изланувчан, ташаббускор ёшлардан иборат клуб аъзолари 6 гуруҳга бўлинган. Улар жорий ўқув йили бошидан буюн қатор тадбирларни ўтказиб келишяпти.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 19 йиллиги муносабати билан уюштирилган «Сиз қонунни биласизми?» ва «Зиё билимдонлари» уйинларида ҳам ёшлар фаол иштирок этдилар.

Ўз муҳбиримиз.

Талабалар анжумани

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетиди "Электрон оммавий ахборот воситаларида маънавий-маърифий масалаларнинг ёритилиши: назария ва амалиёт" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

— Журналистика ва таълим соҳаси замон тараққиётига ҳамда ҳамда тез суръатлар билан янгилашиб турибди, — дейди халқаро журналистика факультети декани, филология фанлари номзоди Акбар Нурматов. — Шу боис соҳага янгиликлар олиб кирувчи ёш кадрларни тарбиялаш ўта долзарб масалалардан саналади. Бугунги тадбиримизни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад ҳам шу, аслида. Анжуман қатнашувчилари йилдан-йилга кўпайиб, улар кўтариб чиқаётган мавзулар ҳам долзарблашиб бормоқда.

Несибели МАМБЕТИРЗАЕВА,
ЎзДЖТУ талабаси.

Бепул тиббий

ДИҚҚАТ: АКЦИЯ!

кўриқдан ўтдингизми?

Республика акушерлик-гинекология илмий текшириш институтининг Наманган филиалида кўрак беги саратонини профилактика қилиш, барвақт аниқлаш ва даволаш мақсадида икки кунлик бепул тиббий кўрик ташкил этилди.

«Хаёт учун!» кўрак беги саратонига қарши кураш миллий уюшмаси, «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоят онкология диспансерларининг малакали мутахассислари, шифокорлар ҳамкорлигида ўтказилган акцияда 300 нафарга яқин аёллар чуқур текширувдан ўтдилар, кўрак беги саратони касаллиги, унинг келиб чиқиш сабаблари, даволаш профилактикаси ҳақида етарли тушунчага эга бўдилар.

— Кўрак беги саратони касаллигини аниқлаш ва даволаш бўйича энг етакчи замонавий технологиялардан фойдаланилишига қарамай, ҳар йили дунё бўйича 1 миллионга яқин аёл мазкур касаллик аломатлари билан шифокорларга мурожаат этмоқда, — дейди «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмасининг вилоят бўлими директори М.Абдуҳалимова. — Тасаввур қилинг, шулардан 600 минг нафари ҳаётдан бевақт кўз юмаяпти.

Таърибалар шундан далолат берадики, бу муҳим хасталикни эрта аниқлаш, касалликка қарши курашни ўз вақтида бошлаш орқали беморлар ҳаётини сақлаб қолиш мумкин экан. Эътиборли жиҳати шуки, вилоятимизда учинчи бора ўтказилаётган тиббий кўриқда ўз ихтиёри билан келувчи аёллар сони



тобора кўпаймоқда. Бу уларда ўз саломатлигига бўлган эътиборининг кучаяётганидан далолат беради.

— Акция давомида аёллар нафақат малакали тиббий кўриқдан ўтбгана қолмай, балки руҳшунослардан ҳам керакли маслаҳатларни олдилар, — дейди «Хаёт учун!» кўрак беги саратони миллий уюшмаси директори Ш.Умарова. — Ҳозирга қадар мамлакатимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва олти вилоятда 5407 нафар аёл бепул тиббий кўриқдан ўтказилди. Уларнинг 49 нафариди

кўрак беги, 13 нафариди бачадон бўйни, 2 нафариди туҳумдон саратони касалликлари, 19 нафариди эса бошланғич саратон аломатлари борлиги аниқланди. Жорий йилда ушбу касаллик билан оғриган аёлларга «Дори-дармон» акционерлик компанияси билан ҳамкорликда 25 миллион 430 минг сўмлик онкологик препаратлар тақдим этилди. Шу йил май ойида андижонлик Зубайда Ҳамидова 10 кун давомида Тошкентда кимё-радиотерапия курсларини ўтагандан сўнг, Исроилда бепул лампактомия жароҳли амалиёти ўтказилди. Ҳозирги кунда у қадрдон оиласи бағрида.

— Ўзимда кечаётган ўзгаришларнинг сабабини билолмасдим, — дейди биз билан суҳбатда наманганлик М.Мухаммадҷонова. — Наҳот, эллика ҳам тўлмасдан кўрак беги саратони туфайли дунёдан ўтиб кетсам, деган нохуш ўй хаёлимни тарқ этмас, яшашга, ҳаётга бўлган қизиқишим сўнганди. Бугунги тиббий кўрик мени ҳаётга қайтарди, десам муболага бўлмайди. Буни қарангки, менда ҳеч қандай касаллик аломатлари топилмади, фақат организмда юз берган ёшга доир ўзгаришларни бартараф этиш учун керакли маслаҳат ва тавсияларни олдим.

Дарвоқе, бу каби акциялар мамлакатимиз бўйлаб минглаб аёлларни ўз саломатлиги ҳақида қайғуришга, ҳаёт учун соғлом тан, соғлом фикр билан курашишга ўргатмоқда.

Шахло ТОШБЕКОВА,
«Оила ва жамият» мухбири,
Наманган вилояти.

Патронаж сарҳисоби

АНЖУМАН

«Пойтахт» бизнес марказида «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг ташаббуси билан тиббий-ижтимоий патронаж тизими ташкил этилган (1996 йил 22 февраль)нинг 15 йиллигига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Тадбирда ўтган муддат ичида мазкур соҳа бўйича амалга оширилган ислохотларга ҳолисона баҳо берилиб, эришилган ютуқлар таҳлил этилди. Бугунги кунда жамғарманинг тиббий-ижтимоий патронажи 14 та ТИП бўйича бригадалар фаолияти орқали амалга оширилмоқда. Улар Германиянинг «Карл Цейсс Йена» компаниясининг энг замонавий диагно-

стик асбоб-ускуналари билан жиҳозланган автоамбуланслар билан таъминланган.

— Бугунги анжуманда патронаж тизими томонидан ўтган 15 йил давомида республикаимизда ярим миллионга яқин оила, яъни уч миллиондан зиёд аҳолининг малакали тиббий кўриқдан ўтказилганлиги алоҳида қайд этиб ўтилди. Масалан, биргина бизнинг Наманган вилоят патронаж бригадаси орқали энг чекка ҳудудларимизда яшаётган 200 минг аҳолига тиббий ҳамда мурувват ёрдамлари кўрсатилди, — дейди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси На-

манган филиали директори Озода Усмонова.

Ўзига хос сарҳисоб руҳида ўтган тадбирда республикаимизнинг барча минтақаларидан тиббий-ижтимоий патронаж тизими фахрийлари, намунали бригада-лар ходимлари, шунингдек, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазат қилиш вазирликлари ҳамда ҳамкор ташкилотлар вакилликлари, журналистлар иштирок этди.

Барно МИРЗААХМЕДОВА,
«Оила ва жамият» мухбири.

Бугун эркинлик, хур ва озод замонда яшаётган фарзандларимизга ўтган асрда «тенглик» ниқоби остида жорий этилган бир қатор ғайриinsonий мезонлар ҳақида сўзлаб берсақ, ишонилмайди. Айниқса, ўша пайтда ҳукмронлик қилган тузум шароитида жамиятда аёллар ва эркекларнинг тенглиги қозғалди эътироф этилгани етмагандек, улар бу қондан оилага ёки инсоний қадр-қимматга эмас, аксинча, ижтимоий меҳнат жараёнига тўла-тўқис жорий қилинган эди. Оқибатда, азал-азалдан кўнра Шарқда она, меҳрибон зот сифатида қадрлаб келинган хотин-қизлар оғир меҳнатга жалб этилди.

Тасаввур қилинг: аёл тракторда ер ҳайдади, бўлғуси она тиззасигача сув кечиб гўза сугорди, оила бекаси, фарзандларига меҳр бериши керак бўлган муштипар аёл эркеклар билан баб-баробар турли ишларни бажариб, ҳатто тунги сменаларда тер тўқди. Энг даҳшатлиси, аёллар номингагина меҳнат ва машаққат ботида эркеклар билан тенг эдилар. Нафосат, гўзаллик маликалари деб таърифланган зотнинг меҳнат қилиши ижтимоий ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиши учун бир имконият деб қаралди.

Қўйидаги маълумотларга эътибор берайлик, ўтган асрнинг 40-50-йилларида юртимизда аёллар эркекларга хос бўлган

Умримиз чироғи...

АЁЛ ВА ЖАМИЯТ

касбларнинг қарий ярмини эгаллаб олган экан. Ялтироқ шпорлар ва юксак чакриқлар билан хотин-қизларимиз энг оғир меҳнат талаб қиладиган қишлоқ хўжалик ишларига жалб этилди. Натижа шу бўлдики, улардаги табиий хусусиятлар, жумладан, Яратган томонидан инъом этилган аёллик нафосати, ҳаё ва ибодати нозик туйғулар ҳам аста-секинлик билан йўқола борди. Болалар тарбияси оғирлашди. Оилавий можаролар кўпайди. Аҳрлиш ҳолатлари кескин ошиб кетди. Аёллар ўртасида жиноятчилик авж олди...

Энг ёмони, 70-80 йиллари далаларга сунъий тарзда ҳосилдорликни ошириш учун меъёридан ортиқча сепилган ўта заҳарли кимёвий дорилар, аёллар организм учун ғоят хавфли бўлган завод ва фабрикалардаги экологик аҳвол турли хил касалликларни келтириб чиқарди. Хусусан, хотин-қизлар ўртасида оммавий тарзда камқонлик, ўткир гелатит, бешушлик сингари муҳим хасталиқлар авж олди. Ахир, ўйлаб кўринг, носоғлом оннадан соғлом бола дунёга келмаслиги кундай равшан ҳақиқат эди-ку! Хайриятки, юртимиз мустақил бўлгачина,

бундай нохуш ҳолатларга бутунлай чек қўйилди. Шахсан Юртбошимиз ташаббуси билан истиқлолимизнинг илк йиллариданоқ хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги ўрни, нуфузини, мавқенини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдек масъулиятли, долзарб масаланинг давлат сиёсати даражасида ҳал этилиши энг хайрли қадамлардан бири бўлди.

Мустақиллик йилларида хотин-қизлар манфаатларини, оналик ва болаликни муҳофазат қилиш, давлат ва жамиятнинг маънавий ва демократик янгилаш ҳамда иқтисодий тараққиёт босқичларини қарор топтиришда аёлларнинг фаоллигини оширишга катта аҳамият берилди. Эндиликда аёлларнинг жамиятдаги биринчи вазифаси меҳнат эмас, балки соғлом авлодни вояга етказиш экани эътироф қилинди. Бугунги аёл жамиятда эркин меҳнат қилиш ҳуқуқига эга. Уларнинг ижтимоий ҳаётда ўз ўринларини топишлари учун ҳамма шарт-шароитлар яратиб берилган.

Шу ўринда яна бир қизиқ ҳолатга тўхталиб ўтиш жоиз. Сўнгги пайтларда айрим-айрим давлатлари «аёллар хуррия-

ти» ниқоби остида ўзларининг гаразли мақсадларини ҳам сингдиришга ҳаракат қиладигани кузатилмоқда. Жумладан, Шарқ аёлларининг кийиниши ва оиладаги ҳақ-ҳуқуқлари борасида улар бизга гўё ўзларининг турмуш тарзини мезон қилиб кўрсатишга уринишаётгани галатиدير. Уларнинг оддийгина ҳаёт ҳақиқатини унутишаётгани қулғули. Ваҳоланки, мамлакатимизда аёлларга бўлган эътибор, ғамхўрлик масаласида миллий хусусиятларимиз, аъналаримиз ва, яна бир аҳамиятли жиҳати шуки, муқаддас динимиз тамойилларидан келиб чиқилган ҳолда муносабат кўрсатилмоқда. Зеро, аёлни ҳар томонлама авайлаб-ардоқлаш, иззат-ҳурматини жойига қўйиш борасида мамлакатимизда бой таъриба тўпланганини қувонч билан таъкидлашнинг истардики. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, «Онани эъзозлаш — бизнинг миллатимиз, халқимиз учун олий қадрият даражасига кўтарилган фазилат»дир.

Дилнавоз РАҲМАТОВА,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчиси.

2011 — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

Истиқболимиз пойдевори

Юртбошимиз томонидан бундан роппа-роса бир йил олдин 2011 йилга «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб ном берилган эди. Мана, мустақил республикаимизнинг тарихида ўзига хос из қолдирган бу йил ҳам якунига етиб бормоқда. Шу маънода иқтисодийтимиз таянчи бўлган соҳада эршиллаётган натижалар ҳақида мушоҳада юритишнинг айна пайти бўлган.

Аввало, таъкидлаш жоизки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни изчил ривожлантириш масаласи мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ устувор вазифа этиб белгиланган эди. Демакки, юртимизда мазкур йўналишнинг ривожланиши кеча ёки бугун бошланган эмас. Узоқни кўзлаб тузилган дастурларни амалга ошириш натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида ҳал қилувчи тармоққа, ижтимоий фаол аҳолимизнинг катта қисмини қамраб олган соҳага айланди. Айна пайтда иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан ортиги кичик бизнесда фаолият юритаётгани фикримиз далилидир.

Давлатимиз раҳбари Конституцияимизнинг 19 йиллигига бағишланган маросимда эътироф этганидек, кичик бизнес субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сотиш ҳажми ўтган давр мобайнида қарий 2 баробар кўпайиб, 600 миллиард сўмни ташкил этганининг ўзи улкан муваффақиятдир. Зарур ҳомаҳи ресурсларини қўшиб ҳисоблаганда, бу кўрсаткич 2 триллион 800 миллиард сўмдан ошиб кетади. Алоҳида таъкидлаш ўринлики, Халқаро валюта фонди Ўзбекистон дунёдаги санокли мамлакатлар қаторида сўнгги 5 йил мобайнида ялпи ички маҳсулотнинг ўртача 8,5 фоизга тенг бўлган йиллик ўсишини таъминлаб келаётганини эътироф этмоқда. Бунда ҳам кичик бизнеснинг ўрни бекиёслигини ортиқча таъкидлаб ўтириш шарт эмас, назаримизда.

Жорий йилда юртимизда қарий 1 миллионга яқин иш ўрни яратилган бўлса, 610 мингдан зиёди ёки 64 фоизи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳисобидан бўлгани эътиборлидир. Қолаверса, соҳанинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидидаги улуши ҳозирги вақтда 54 фоизни ташкил этапти. Кўриниб турибдики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик эртанги кунимиз, истиқболимизнинг мустаҳкам пойдеворида айланиб бораётир.

Эркинжон НИҒМАТОВ,
Олий ҳарбий божхона институти ўқитувчиси,
Дилафрўз РАСУЛОВА,
институтнинг 4-курс тингловчиси.

Самарқанд шаҳар репродуктив саломатлик марказига борганимизда бу маскан тиббий кўриқдан ўтиш учун навбат кутаётган ёшлар билан гавжум эди. Шу ернинг ўзида йигит-кизларнинг мазкур жараёнга бўлган муносабати билан қизиқдик.

— Тўйимиз декабрь ойига белгиланган эди, — дейди 27 ёшли Амир Ҳақимов. — ФХДЭ бўлими йўлланмаси билан махсус тиббий кўриқдан ўтаётимиз. Барча мутахассислар ўз жойида, гарчи навбат кўп бўлса-да, аммо кўрик кўнгилдагидек ўтаётти.

Амирнинг бўлгуси турмуш ўртоғи Меҳрибон Гафорова ҳам шундай фикрларни айтди.

Дилнора мана шу каби уй-хаёллар билан уйига етиб келди. Лекин не-не орзу-ниятлар ила қадам ташлаган келинлик уйига эмас, отасиникига. Қирган заҳотиёқ хўнграб йиғлаб юборди. Ота-онаси унинг кўз ёшларини қайнонаси билан содир бўлган келишмовчилик деб ўйлашди, шекилли, уни юпата бошлашди. Фақат ота чидаб ту-

касаллигига чалинганлар ҳам текширувлар давомида маълум бўлди. Энг ёмони, ушбу ёшларнинг 250 нафари тўйдан сўнг, ҳомиладор бўлгачгина тиббий кўриқдан, демакки, ФХДЭ бўлимидан ўтишаётти. Ва 80 фоиз хасталиклар тўйдан сўнг тиббий кўриқдан ўтаётган ёшлар орасида аниқланаётгани бу ҳолатнинг қанчалик ташвишли эканини кўрсатиб турибди...

Бугунги кунда давлатимиз томонидан куриллажак ёш оилаларнинг мустаҳкам бўлиши йўлида амалга оширилаётган хайрли ишлар алоҳида эътибор-

этилишини йўлга қўйишдан иборатдир. Марказ асосан наркомания, алкоголизм, шизофрения, олигофрения, эпилепсия каби руҳий, тери-таносил, заҳм, ОИТС, сил каби ижтимоий хасталикларни аниқлаб беради.

Янгилик

— Нарколог, психиатр, фтизиатр, терапевт, гинеколог каби мутахассисларимиз ҳар куни ўз хоналарида никоҳланувчи ёшларни қабул қилади, — дейди марказ шифокори Жамила Якубова. — Бунинг учун поликлиникада барча шарт-шароит яратилган. Шу ернинг ўзиде баъзи хасталиклар бўйича маърузалар ҳам ўқиш имконияти бор.

Илгарилари ОИВ/ОИТС текшируви фақатгина тавсия этилган, маълум бир суҳбатлардан ўтган шахсларда ўтказиларди. Шу йилнинг сентябрь ойидан бошлаб эса барча ёшлар шундай текширувдан ўтаётти. Сабаби, бугунга келиб, бу хавфли хасталик фақатгина маълум бир гуруҳдаги фуқароларда эмас, балки бошқа кишиларда ҳам учраш эҳтимоли юзага келаётти. Шунинг учун ота-оналар ҳам, ёшлар ҳам ўз соғлигига, умуман, ўзига нисбатан беэтибор бўлмаслигини истардик. Сабаби, ОИТСга чалинаётганлар сони дунё миқёсида ошмоқда. Бу аҳолимизни четлаб ўтади, дегани эмас.

Бугун қайси ҳудудни қараманг, саломатлик бўйича кўплаб тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётганига ғувоҳ бўламиз. Шу боис ҳам Бош Қомусимиз — Конституциямизнинг 19 йиллигига бағишланган танатанали маросимда Юрбошимиз кириб келатган 2012 йилни "Мустаҳкам оила йили" деб аташлари замирида ҳам катта умидлар билан мустақил ҳаётга қадам қўётган ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга кўмак, имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш каби эзгу мақсадлар ётибди. Тиббий нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, илк оилага қадам ҳам тиббий кўриқдан бошланганидек, бу каби соғломлаштириш, оилани мустаҳкамлашдек хайрли ишлар узлуксиз давом этаверади.

Гулрух МҶМИНОВА,
"Оила ва жамият" муҳбири.
Самарқанд вилояти.



МЕҲНАТ — тилимизда "жисмоний ёки ақлий иш, фаолият" маъносини англатган "меҳнат" сўзининг туб илдизи "синади", "текширди" мазмунини билдирган.

Олтин ўтда, одам меҳнатда синалар.

Мақол

МАСАЛ — тилимизда "ўғит мазмунли кичик ҳажмдаги мажозий ҳикоя" маъносини англатадиган "масал" сўзининг туб илдизи "кўзга кўринди" деган мазмунни билдирган. Тилимизда фаол қўлландиган "масала", "масалан" сўзларининг туб илдизи худди шу "масал"га бориб тақалиб, "мисол", "намуна" маънолари билан ҳосил қилинган. Дарҳақиқат, "мисол", "намуна" сўзлари моҳиятида ҳам "кўзга кўринди" маъноси яширинган.

БОКИРА — тилимизда "иффатли қиз" маъносини англатадиган "бокира" сўзининг туб илдизи "Ўзбек тилининг этимологик лугати"да изоҳланишича, асли "эрта етилган мева" деган маънони англатган. Кейинчалик, бу сўзнинг маъноси кенгайган. Шунингдек, эркак кишининг исмини билдирадиган "бакир" сўзининг туб илдизи ҳам "бокира" сўзининг туб илдизи билан битта асосга эга.

Сен менинг қоримсан, биринчи қорим, Гўё бутун олам сендай бокира.

Асқад Мухтор

ВАРАҚ — тилимизда фаол қўлландиган "варақ" сўзининг туб илдизи "Ўзбек тилининг этимологик лугати"да изоҳланишича, асли "барг, ярпок" деган маънони билдирган.

Машҳур хатотлар катта пуллар эвазига кўчирган, ҳар бир варақига нафис безаклар ишланган бу қўлёзма китобларнинг ҳар бири — бир неча минг динор туришини Бобурнинг ёнида турган Қосимбек ҳам билар эди.

Пиримқул Қодировнинг "Юлдузли тунлар" романидан

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

Бир кунлик кўрик — бир умрга татийди

Зумлик, ёшларнинг юзиде нозулик кайфиятини кўрмайсиз. Аммо...

Ҳўш, барча никоҳланувчилар ҳам ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтаётими? Кечикишининг нохуш оқибатлари ҳақида улар қандай маълумотларга эга?

Никоҳсиз ажралиш

...Уша куни Дилнора қўлига тушган бир парча қоғоздаги ташхисни ўқигач, ҳаётини зулмат қоплагандай бўлди. Наҳотки шу рост бўлса? Демак, шубҳалари ўринли экан-да. У эса ичидеги дардини ҳеч кимга айтолмай қўйналик юрибди. Оиладеге ҳамма гапни ҳам ташқарига чиқариш яхши эмас, озроқ сабр-қаноат қилиш керак, деган ўғитларни кўп эшитганди-да. «Лекин наҳотки буни қайнона-қайнотам билишмаса. Албатта билишган, фақат биздан яширишган. Ўзи ўйловдима, нега улар куёвни тўйдан олдин унчалик кўп кўрсатишмади, деб. Яна тўйдан сўнг кундуз куни куёвни ишга кетди деб қаергадир жўнатиб юборишади. Лекин аниқ иш жойини айтишмайди. Кечаси эса унинг галати қилиқларидан юрак ҳовучлаб қолганди. Бир неча марта ярим оқшом ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ дўпсочлаб урди. «Бировга айтсанг, баттарини кўрасан», деб кўрқитади. У эса ёш келинчақ эмасми, бу зугумни бошқага айтишдан ор қилди.

ролмади. «Қанақа оила экан, ўзи, битта ёш қизни алдаб-сулдаб йўлларига сола олмаса? Ҳар қил майда-чуйда нарсалардан ҳам жанжал чиқаради бу хотин зоти!»

Аммо, қанийди, ҳаммаси майда-чуйда бўлса, — кўнглидан ўтказди қиз. Сал ўзига келиб олгач, шифокор берган ташхисни уларга узатди. Куёв руҳий хаста экан. Она йиғлаб юборди, ота бош чангаллаб қолди. Лекин иккови ҳам бировни айблаб олишмади. Сабаби, тўй расмий никоҳсиз ўтказилган. Фақат келин ҳомиладор бўлгачгина ФХДЭ бўлимидан никоҳни қайд эттириш учун ҳужжат тўғрилашаётганда тиббий кўриқдан ўтиш мажбурийлиги туфайлигина улар ахволдан хабардор бўлишганди...

Шошилич тўй — ташвиш тўла ўй

— Афсуски, тўйдан олдин ФХДЭ бўлимида никоҳини қайд эттирмаслик жуда кўп муаммоларни юзага келтирмоқда, — дейди Самарқанд шаҳар репродуктив саломатлик маркази раҳбари Дилором Салоҳиддинова. — Мана бу рақамларга эътибор беринг: шу йилнинг ўн ойи давомида 5482 нафар ёшлар тиббий кўриқдан ўтказилди. Уларнинг 4 нафарида тери-таносил, 62 нафарида руҳий хасталиклар борлиги аниқланди. Бундан ташқари, эпилепсия-тутқоқ, ОИВ/ОИТС

га молик. Аинқиса, турли хасталикларни тўйдан аввал ўз вақтида аниқлаб, керакли тиббий маслаҳат ва муолажалар қилинган, қанчалаб ёшлар уларнинг бахт тўйлари нишонлашпти. Албатта, ўз вақтида расмий никоҳдан ўтиш орқали турли нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мумкин. Тўғри, ёшларнинг белгиланган муддатда тиббий кўриқдан ўтишини таъминлаш мақсадида марказимиз, умуман, жойларда шу масала бўйича мутахассис шифокорлар томонидан доимий равишда тарғибот ишлари, давра суҳбатлари олиб боришмоқда. Масалан, ўтган ўн ой давомида жойларда 300 га яқин "Ёш оила мактаби" машғулотли, саккиз мингдан зиёд давра суҳбатлари, савол-жавоб тadbирлари ўтказилди. Етмишдан зиёд маҳалларда саломатлик бурчаклари ташкил этилди. Аммо юқоридаги каби салбий ҳолатлар учраётган экан, барибир ҳали олиб борилаётган тарғибот ишлари етарли эмас деб ўйлайман.

Дарвоқе, Самарқанд шаҳридаги 1-сонли поликлиника неғизиде ташкил этилган Репродуктив саломатлик марказида етти йилдирки, никоҳланувчи ёшларнинг тиббий кўриқдан ўтиши изчил равишда таъминланмоқда. Марказ жамоасининг асосий мақсади, ёшларнинг соғлом оила куриши, туғилажак фарзандларнинг саломатлигини таъминлаш ва шунинг натижаси ўлароқ, мустаҳкам оила ташкил

Мени кузатгани чикади йўллар

Нафиса ОМОНОВА,
Ўзбекистон давлат санъат институти талабаси



Қишлоқ

Этақлаб олмалар тутади онам,
Бунда соғинчларнинг донаси кўпроқ.
Паҳса деворлардан кўкка мўралаб,
Гўзал шаҳарларнинг опаси қишлоқ.

Тандирдан ноллар иси келади,
Хўроз қичқирмаса, тонг отмай қолар.
Чўпон таёгини қўлга олади,
Сўқмоқлар йўргалаб қирларга борар.

Ўзи кийинтирар далаларини,
Товуққа дон сочмай, нон емас қишлоқ.
Лой-лой уйнаётган болалари-ю,
Олпоқ соқолани «сен» демас қишлоқ.

Дехқон қишларини шундай қишламас,
Асли қафтларидан уйғонар баҳор.
Кўёши ёнбошлаб олади бир пас,
Ой терак шоҳига ялиниб қолар.
Этақлаб олмалар тутади онам...

Сени севиб хато қилишимни
Севмасимдан аввал билардим.
Кўнглим сўрмади ўзимдан,
Йўқса севмаган бўлардим!
Ишққа йўл эди — яшашим шарт,
Пешонамга сен ёзилгандинг.
Ташлолмайсан сен уни артиб,
Мен сенга Худонинг бергани.
Энди...

Нима қилсан билман,
Билман...

Энди нима бўлади?

Энди...

Нима қиламан, билман.
У ёгини Худо билади.

Мени кузатгани чикади йўллар,
Тупроқлари ва... қаттиқ тоши билан.
Онам хайрлашаётти, яна соғинар,
Дуолар қилади кўз ёши билан.

Кетмоғим кутар-у,
Телбалик тутар,
Ортига югуриб борар оёғим.
Кимлар тикон отар,
Кимлар гул отар —
Мени қовурмоқда муҳаббат ёғи?!

Сиз қолиб,
яна мен кимни кутибман,
Нимани сўрайман,
соғинчим — ОНА!
Ўзимдан каттароқ тошга айланиб,
Юмалаб кетяпман, билмайман қайга?

Оёқда гапирар — имконлар, дамлар,
Бошқа чидамайди, сабрлар битди.
Эй, тили билан юрган одамлар,
Ахир, мен дунёни киприкда тутдим!..

...Жувон саргайиб кетган дафтар четдаги ушбу мисраларни ўқиётди, кўзлари жикка ёшга тўлди:

Ўтар кулфат, етар гам-алам,
Тушун ҳаёт алдоқларини.
Маънос қолар ҳатто дарахт ҳам
Йўқотганда япроқларини...

Қадрдон сатрлар эди бу бир пайтлар. Есениндан шеър ёдлаб тўймасди ўшан да.

— Рост, рост, — пичирлади у. — Ҳатто дарахт ҳам маънос тортар экан-ку, менчи? Йигирма йил яшаган азиз инсонини йўқотдим, ҳаёт алдовларини энди қандай кўтараман? Болаларимнинг гам чўккан нигоҳларига қараш қанчалар қийин, ота сўзига интиқлик нечоғлик оғир....

Аёл кўнгил битиклари ёзилган дафтарини секингина ёпиб, ҳовлига чиқди. Қуёш чарақлаб турибди. Ҳовли чети гир айлана гуллар кулф уриб очилган. Кўзлар қамашади. Четдан келган одамнинг бу гўзалликдан лол қолиши аниқ гап, аммо жувон бу майдонларга шунчаки ҳиссиз назар ташлади. Аввалгидек эри бормидики, гулларга меҳр кўйса? Энди ҳамма нарса унга бегона, завқ бермайди, гўёки унинг бу ёруғ оламда бор-йўқлиги билинмайди. Аммо осмон узоқ, ер қаттиқ. Инсон боласи сабру қаноат ва чидам учун яраган. У ҳам айрилиқнинг тоғдек юкни нозик елкаларига кўтаришга мажбур. Яшаш керак, тирикчилик ўтказиш керак.

Аёл эрини бигина тоғорачани олиб ҳамми қоришга киришди. Болалар мактабдан қайтганига қадар иссиқ патир ёпмоқ-

чи бўлди. Ҳамир илашган кўлини юваркан, дарвоза очилди, икки нотаниш аёл кўринди:

— Мубинахоннинг уйларини шу?
У фартуғига кўлини шоша-пиша артида, аёлларга пешвоз чиқди:
— Хуш келибсизлар, тинчликми?
Иккаласи бир-бирига сирли қараб олишганида Мубина галати бўлиб кетди:
— Қани, ичкарига, танимагани сий-

ларинг ўзларинг ё қизларингга буюрсин. Сенлар ўйлаган аёл эмасман! Бошқаларга ҳам уйинглар. Эрим ер тағида яшаса, мен устидаман. Икки дунёда ҳам унинг юзига оёқ кўймайман, руҳини безовта қилмайман!

Ҳалиги хотинлар қандай келган бўлса, шундай тезликда, оёғи ерга тегмай зингиллаб чиқиб кетгач, Мубина бор овозда

Кўнгил кемтигини ким тўлдиради?



ламас, деганларидек, узр...

Бир пиёла чой устида суҳбат кетаркан, Мубинанинг дарди дунёси зимистонга айланди. Жаҳл билан ўрнидан туриб, умрида қилмаган ишга қўл урди:

— Қани, уйдан чиқинглар-чи! Нима, мен сенлардан эр сўровдимми? Топган-

йиглай бошлади:

— Э, Худойим, кимларга хор қилиб кўйдинг мени? Нега тушунмайди бу одамлар? Наҳот, энди бегимнинг тупроғи совимай, болаларимнинг кўз ёши қуримасдан булар менга эр топиш билан овоза бўлишса-я! Норасидаларимнинг кўзига қандай қарайман? Ўлимлари курсин-а, айриликлари куйсин-а...

Кўшниси аёлига деди:

— Хотин, бор чик, бояқшнинг юраги йигдан куйиб адо бўлади...

Опаси тенги аёл келиб, Мубинанинг ипақдек сочларини силаб, бағрига босди. Унга қўшилиб юм-юм йиглади.

— Айланай, қизим, бу дунёга ҳеч ким устун бўлолмайди. Ҳаммаиз ҳам бир кунги ўламиз, ахир. Кун битган экан боёқшнинг, на илож? Бағри бутуннинг ўзи йўқ бу дунёда, сабрли бўлгин, матонатли бўлгин...

Ҳар-ҳар замонда тахририя-тимизга келиб, ёзган машқларини кўрсатиб кетадиган коллеж ўқувчиси Умиднинг куйидаги маҳзун ҳикоясини эшитиб, узоқ ўйлиниб қолдим:

“Отамни тўғри йўлга сололмаяпман”...

— Ёшлигимда унчалик сезмаган эканманми, оиламиз билан жуда ахил, иноқ яшардик. Отам нуфузлироқ жойда ишлар, топиш-тутиши ҳам ёмон эмас, уйимизда деярли жанжал-тўлопон бўлмасди. Мен 7-синфда ўқиётганимда отам ишдан кетди ва қаттиқ сиқилганидан ичкиликка берилди. Қариндош-уруғлар, танишлари келиб, роса маслаҳат беришди, лекин ҳеч ким қайтаролмади. Онам бечора кечгача бозорда ўтириб, ул-бул нарса сотиб, тирикчилик қилар, топган пулини отам тортиб олиб ичарди. Мактабни битириб, коллежга ўқишга кирдим, ул-бул нарса қоралаб юганимни сезиб қолган устозларим “Қамолот” етакчилигига сайлашди. Энди қандай қилиб бўлса-да, ука-сингилларим кичкиналиги учун онамга кўлимдан келганча ёрдам бергим келарди. Афсуски, отам тузалиш ўрнига бизларни қаттиқ сиқувга ола бошлади, баъзан онамни ҳам бизнинг кўз ўнгимизда калтаклайдиган одат чиқарди. Кечалари билан ухломмай, қандай қилсам, оиламизда тинчлик ўрнатилиши мумкинлигини ўйлардим. Бир неча марта отамга яхши гапириб, бирор жойда ишлаб туришини айтдим. Йўқ, у киши мени тушунмади ва “Ҳали сен менга ақл ўргатадиган бўлдингми?” дея калтаклашгача борди. Уша кунни роса йигладим, ҳатто ўзимни босолмай, қўл кўтаришимга сал қолди. Укаларимнинг ҳам юраклари безиллаб, мактабдан келибчоқ, сумкаларини уйга ташлаб, қўшнлар-

никига чиқиб кетишди. Амаки-тоғаларимга ҳам оиламиздаги ахволни бир неча марта айтдим. Улар бир-икки келиб, тартибга чақиршди — бўлмади. Жазаванга тушган отам ҳаммасини сўкиб,

қувиб солди. Маҳалламиз оқсоқоли, маслаҳатчи ҳам уч-тўрт бор отам билан гаплашишди. Охири ҳеч ким бизнинг хонадонимизга кирмай қўйди.

Онамга дўгоналари, маҳалла аёллари бир неча марта ажрашинг, нима қиласиз ҳам ўзингизни, ҳам болаларингизни қийнаб, дейишди — кўнмади. Уртоқларим олдида жуда мулзамман, синфдошларимдан ҳам уялман. Шундай нотинч оилада яшаёт-

ИЗОҲ ЎРНИДА:

Эътибор бераяпсизми, азиз замондош, бир ота ўз пушти камаридан дунёга келган фарзандини тўғри тарбиялаш, вояга етказиш ўрнига, эртага отаси номини кўқларга кўтармоғи мумкин бўлган фарзанди унинг ўзини қандай қилиб тўғри йўлга қайтариш ҳақида ўйлаётми?

Ахир, тасаввур қилинг, ҳеч қайси ота-она “Фарзандим ноқобил бўлиб ўссин”, деб тарбия бермайди. Биламиз, кимдир боласини ҳаётда ушлаган жойини кесадиган, “олма пиш — оғзимга туш” деб ўтирмайдиган инсон сифатида вояга етказишга ҳаракат қилса, яна бирор чумолига ҳам озор бермайдиган саховатпеша бўлмоғини чин дилдан истайди.

Юқоридаги воқеани таҳлил қилар эканмиз, кимни қоралаб, кимни оклашни ҳам билмаймиз. Албатта, ҳар қандай хонадонда болалар тарбиясида отанинг ўрни мумкин аҳамиятга эгаллигини ҳаммаимиз яхши биламиз. Ахир, қайси уйда ўғил бўлса — отасига, қиз бўлса — онасига ўхшашни орзу қилади. Агар фарзанд ноқобил, тарбиясиз бўлса, ҳеч иккиланмасдан ота-онасини айблагани биламиз. Ҳўш, ота ёки она, яъни катталарининг ўзлари оилага, қолаверса, яшаб турган маҳалла-кўйига иснод келтирса-чи, кимни гуноҳкор деб аташ мумкин?

Яширмайлик, шундай фарзандлар ҳам борки, ўзини тарбиялаб, ўстирган ота ёки онасидан ор қилади. Бундай қисматга дучор бўлмоқликдан Оллоҳнинг ўзи асрагин бизларни.

Хурида ЧОРШАНБЕВА,
журналист.

ОЙНА

ганимни коллеждагилар билишмайди. Баъзан ўзимча онам билан укаларимни олиб, бирор жойга чиқиб кетайин дейман, лекин ҳали кўлимда на тайинли хунарим, на пулим бор. Ҳайрон бўлаяпсизми бу гапларимни эшитиб, фарзанд ҳам ўз отасидан безор бўлиши мумкинми, деб. Лекин на илож, ҳозир икки йўл орасидаман...

Умиджон мени ўзига яқин олиб, минг истиҳола билан сўзлар экан, хайрлашаётганимизда “Опажон, илтимос, исми-шарифимни ўзгартириб ёзинг. Ичимдаги дардимни фақат сизга ёрдим, ҳатто энг яқин дўстларим ҳам менинг шундай ахволда яшаётганимни билишмайди. Юз-кўзларимда кулганим билан, юрагим тўла дард-алам, отамни тўғри йўлга сололмаяпман...” деб кўзига ёш олди.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

Мубина худди ҳозир эридан ажралгандек титраб-қажшаб йиғларди, вужуди аллақандай ҳўрликдан эзиларди. Кўшни кампирга ҳозиргина ўзига “совчи” келганини айтиб, баттар ҳўрланиб йиғлади. Кўпни кўрган аёл унга тасалли берди:

— Беваликнинг нони қаттиқ, болам. Қадамнинг тўғри бўлса ҳам, эгри дегувчилар бор. Эътибор берма, сен шу болажонларингга кераксан... Хафа бўлма, бежизга бурунгилар “Рост қаушунини кийгунча, ёлгон ялангоёқ дунё кезиб чиқади”, дейишмаган. Сен ўзингни ва кўзи мунчоқларингни ўйла. Худо хоҳласа, ёрғи кунларинг кўп бўлади, ҳаммаси ҳали олдинда, сабр қил...

Мубина кўшни аёлнинг таскинидан сал бўлса-да енгил тортиди. Уни кузатиб, қозонга уннади. Ҳамири ошгани ёдига тушиб, тандирхонага югурди. Қай бирига улгуришни билмай елиб-югураркан, болалари бирин-кетин мактабдан қайтишди. Ҳаммасига бирма-бир юмушларни юклагач, сўнг дастурхон атрофида ўтиришди. Кичик ўғли Соҳибжон дуога қўл очди:

— Берган ризқ-насибангга шукр, онажонимнинг умри зиёда бўлсин. Бировга муҳтож қилмагин. Илоё, дадажонимнинг жойлари жаннатда бўлсин!

Мубина ҳар гап дастурхон устида айтилувчи дуоларга эътибор бермас экан. Вой тавба-ей, етти яшар боланинг тилагини... У келгани бағрига босди, аммо йиғламади. Болаларининг ўқик кўнгилларига далда берувчи яхши гаплардан гапириб, гурунглади. Ҳа, умр деганлари шундай кемтик бўларкан-у, уни бизнинг ўзимиз тўлдира эканмиз.

Норинисо ҚОСИМОВА,
Сирдарё вилояти.

ҲАЁТ МАНЗАРАЛАРИ

“ЁЗУВЧИ”

У қаерга бормасин, ҳаммага ўзини ёзувчи деб таништиради. Ёзувчиман, деб у эшикни қоқади, бу эшикни қоқади. Ҳеч қаердан қуруқ қўл билан чиқмайди: у эшикдан у нарсани ундиради, бу эшикдан бу нарсани.

Унинг исми-шарифи ким, қанақа асарлари бор, дейсизми?

Унда эшитинг: исми-шарифи ўзи айтгандай — “Ёзувчи”. Ўнлаб, эҳтимол, юзлаб “юмалоқ хат”ларга “муаллиф”лик қилган у...

ЭСИЗ

Ташканбой тўй қилмоқчи бўлиб қишлоққа келди. Уни катта одам деб юрган қишлоқдошлари, янги дўст-ошналарига ўзини кўрсатмоққа уриниб, чўнтагига қўлини солди, хаёлга толди.

“Нексия” оламан деб йиғиб юрган пулни ишлатиб дабдабали тўй қилса бўларди-ю, машинали бўлиш орзуси орқага сурилишини ўйлаб, қўлини секин чўнтагидан олди ва яна хаёлга толди.

Боз устига, хотинига қишлоқда обрўси баландлигини, унинг хизматида лаббай деб турганлар кўпчилигини кўрсатиб қўймоқчи бўлиб, ҳадди сиққан ва сизмаган эшикларни бир-бир чертиб чиқди: бирига тўйга кетадиган гўштни, яна бировига гуручу ичкиликни юклаб қўйди. Буни эшитганлар ёқасини ушлади. Негаки, қишлоқда ҳар доим ҳимматга яраша тўёна қилинар, аммо ҳеч кимга мажбуран солиқ солинамасди-да!

Тўғри, истиҳола юзасидан ҳам бу таънани ҳеч ким унинг юзига айтмади. Қишлоқдошлари ҳам танти одамлар эмасми, Ташканбойнинг айтганини муҳайё қилишди.

Тўйдан кейин эса кўпчиликнинг кўнглидан ўтган гап шу бўлди: Ташканбой қишлоқдан кетиб орини сотибди ва тўрва халта топибди...

Эсиз...

ҚУЛАШ

Улар бир амаллаб томга чиқиб олишди. Олдиндагиси бошқаларга қўлини узатди. Бирининг енгидан, бошқасининг эса ёқасидан тортиди. Хуллас, чиқариб олди. Бир жамоага айланишди.

Бирок... Орадан кўп ўтмади. Томга нима учун чиққанларини унутиб қўйишди. Баландлик қўлларни ўстириб, узун қилди. Ушлаганларини узиб оладиган бўлишди. Баландликнинг ҳавосида ҳаво-ланишди. Босар-тусарларини билмай қолишди. Иштаҳалари қарнайга айланди.

Ва ҳатто... Қуёшга “ишқ”лари тушди. Қуёшни узиб олмоқчи бўлишди. Лекин... Офтоб нури кўзларини қамаштириб юборди. Оёқлари остини кўрмай қолишди. Ва баногоҳ... Ерга қулаб тушишди.

Бирининг оёғи синди, бошқасининг қўли. Яна бировининг эса бури қонади. Қолганларини айтмай қўя қолайлик...

Лола ЎРОҚОВА

Кашандалик — касалликми?

“Саратон, инфаркт ёки инсультни орттириб олишга камида 20-30 йил, “яхшигина” бронхитга чалиниш учун эса 15-20 йил етиб ортади. Буларни-ку кўверинг, хатто бир дона сигарет ҳам организми “портлатиб” юбориши мумкин...”

(«АИФ»дан)

Ҳаммамиз яхши биламиз, тамаки са-ломатлик учун ниҳоятда хатарли. Лекин парво қилмай чекаверамиз, уйлари, иш-хоналарни тутунга бурқситиб туттаверамиз. Хўш, деярли ҳар бир дақиқада ўзи-миз гувоҳ бўлаётган бундай нохуш ман-зараларга бошқаларнинг муносабати қан-дай?

Анвар, талаба, 21 ёш:

— Бизнинг оилада, шукри, кашанда-лар йўқ. Отам ҳам, акам ҳам чекмайди. Баъзан уйимизга меҳмонлар келиб қолса, улар орасида чекадиганлар бўлса, отам секингина “Илтимос, ташқарида махсус жой ҳозирлаб кўйганмиз”, деб огоҳлан-тиради. Бундай мулозамет ҳар қандай одамни хушёрликка ундайди. Мен у сигаретни, носми, барибир, соғлиққа зарар эканлигини билганим учун умуман чекмай-ман, чекканларни ҳам оқламайман.

Афляра опа, уй бекаси:

— Мен сал кам 20 йилдан бери папи-рос чекман. Нима қилай, ўрганиб қол-ганман, йўқ марта ташлайман деб урин-дим, йўқ, фойдаси бўлмади. Туни билан ўпкам хирллаб ухоломайман, тўртинчи қаватгача қиссам, нафасим етмай қола-ди. Дўхтирлар касалсиз, деганига ўн йил бўлди. Эрим ҳам чекади, икковимизга бир кунда икки қути тамаки етмайди. Бо-лаларим ҳам негадир нимжон, касал-мандага ўхшайди...

Роҳатой ТУРДИЕВА,

Миробод туманидаги 2-сонли оилавий поликлиника педиатри:
— Шифокор сифатида айтадиган бўлсам, ҳар қандай тамаки маҳсулоти нафақат чекаётган бир кишининг, балки сизу бизнинг соғлигимиз учун ҳам дах-шатли хавф эканини алоҳида таъкидлаш-ни истардим. Тиббиёт нуқтаи назаридан

қарайдиган бўлсак, масалан, филтрлан-ган бир дона сигаретнинг таркибида ин-сон организми учун ўта хавфли бўлган моддалардан никотин 1,4 % ни, углевод 2,20 % ни, органик кислоталар 5,17 %

ОГОХ БЎЛИНГ!



ни, оксил 1,13 % ни, эфир ёғи 1,7% ни ташкил қилади. Тамаки маҳсулоти тутун-га айлангандан сўнг ўзидан захарли мод-далар, яъни углевод оксиди, токсинлар, азод оксиди, аммиак, никотин моддала-рини чиқара бошлайди. Энг хавфлиси, албатта, никотиндир. Унинг бир грами учта отни, ёки 1 та филни ўлдирди олиш хусусиятига эгаллигини ҳаммамиз била-миз-у, лекин тинмай чекаверамиз.

Сир эмас, кашандалик кейинги пайт-ларда нафақат эркаклар, балки хотин-қиз-лар ўртасида ҳам оммавийлашган кас-салликка айланиб бормоқда. Бу эса туғи-лажак зурриётларга кескин таъсир кўр-са-тиши шубҳасиз. Оқибатда туғилаётган ча-қалоқлар орасида шайтонлаш синдроми, эпилепсияга ўта мойиллик ҳоллари кўп учраб тургани ачинарли эмасми?

Ҳеч кузатганмисиз, оиласида отаси, акаси ёки бошқа ёши катталар мунтазам чекадиганлар билан уйда соғлом тур-муш тарзига қатъий риоя қиладиганлар ўртасида катта фарқ борлиги яққол се-зилади. Аксарият ҳолларда доимий ра-

вишда турли хил хасталикларга чалиниб юрадиганлар билан суҳбатлашсангиз, албатта, шу хонадонда кимдир ё чекиш-га, ё ичишга муқкасидан кетган бўлиб чи-қади. Ҳар томонлама намуна бўлишга ар-зийдиган оилаларда спортчи, санъаткор ёки ижодкор, хуллас, ибратли касб эга-лари етишиб чиқаётгани кузатилади.

Ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, кашандаликнинг яна бир хавфли томони шундаки, тамакига ружу кўйган оилаларда вояга етган фарзанд-лар организмида, юқорида мутахассис шифокор таъкидлаганидек, захарли мод-даларга бўлган ташқи кўникма аста-се-кинлик билан шаклланиб борар экан. Оқибатда юрак, қон-томир, ўпка, зотил-жам ва нафас олишнинг сиқиши, асаб тизимининг бузилиши, овқат ҳазм қилиш ҳамда эндокрин аъзолар билан боғлиқ касалликларга мойиллик кучайиши бил-лан бирга, боланинг руҳий қобилиятига ҳам салбий таъсир кўрсатиши кузати-ган. Россия соғлиқни сақлаш вазирлиги-га қарашли Тиббиёт профилактикаси илмий-тадқиқот маркази томонидан та-маки чекиш оқибатида 14 та оғир касал-лик пайдо бўлиши аниқланганининг ўзиёқ, кашандалик ҳам янги асрнинг офатларидан бири эканини исботлайди.

Огоҳ бўлинг!

*Чекувчи ҳомиладор аёлларда ўз-ўзи-дан бола тушиши ёки ўлик туғилиши, ўсиш ва ривожланишда сусткашлик ку-затилади.

*Олимларнинг таъкидлашича, кашан-да онанинг бир литр сutiда 1 мг. миқ-дорда никотин бўлиши гўдакни ҳалок қиладиган доза ҳисобланар экан.

*Тамакига ружу кўйган аёлларда юрак инфаркти касаллиги эркакларга қараганда уч марта кўп учраши аниқланган. Немис гинеколог П.Бернхорднинг таъкидла-шича, чекувчи аёлларнинг 41,5 фоизи-да фарзандсизлик кузатилади.

*Педиатр Юэн М. Росси ҳар куни 10 дондан ортиқ сигарет чекадиган ҳоми-ладор аёлларнинг 40 фоиздан ортиги-да талваса ва эпилепсия-тутқаноққа мой-йил болалар туғилишини аниқлаган.

Барно МИРЗААХМЕДОВА,
Сардор ҲАМРОЕВ тайёрлади.

АЖАБ ОЛАМ

Сўнгги дарахт

“Бирни кессанг — ўрни эк”, — дей-ди донишманд халқимиз. Негаки, инсоният табиат билан тирик. Қаний-ди бу қадим ҳикмати дунёнинг ҳар бир нуқтасида яшаётган одам бола-си ўз онгида сақлай билса ва амал қилса...



Суратда кўриб турганингиз Саҳ-ройи Кабирда ўсган Тенере навли акация дарахти бўлиб, у шубу нав-нинг сайёрамиздаги ёлғиз ва энг сўнгги “вакил”и эди. 250 миль ра-диусда шу Тенере акациясидан бош-қа бирорта ҳам дарахт бўлмаган. Эн-дликда, афсуски, у ҳам йўқ... Ли-виялик бир ширакайф сайёҳ юк ма-шинасида дарахтни туртиб, синди-риб кетган...

Ҳозир бу жойда ўша дарахт хо-тирасига ёдгорлик ўрнатилган. Бироқ у сахро фахри бўлган дарахт ўрнини боса олармиди...

Шундай бўлса-да, дунёнинг тур-ли бурчагидан келадиган сайёҳлар сони камайгани йўқ. Тенере ёдгор-лигидаги битикларни ўқиб, ақин ўтмишда бу жойда мавжуд бўлган ажайиб сахро мўъжизаси ҳақида ширин тасаввурлар қилиб кетиша-ди.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.



«Ота-онам ёшлигимда ав-тоҳалокат туфайли ҳалок бўлишган. Мен эса амаки-нинг кўлида қолгандим. У киши мени ўз болалари қа-торида тарбиялаб катта қилди, хунар ўргатди. Вақти-соати етганда уйлантирди. Аммо никоҳ кечаси... На чора, дар-димни кимга ҳам айтаман, тишимни-тишимга қўйиб чи-дадим. Ахир, амаким қарз-ҳавола қилиб, кўл учида уй-лантирган бўлса. Шу томон-ларини ўйлаб ёру дўстла-римнинг, қариндош-уруғлар-нинг “У билан ажраш” деган гапларига кўз юмдим. Бу ора-да қизим туғилди. Аммо хо-тиним батамом ўзгариб кет-ди. “Хорижга ишлагани бо-риб-келишимга рухсат бе-ринг”, деб ҳоли-жонимга қўймасди. Мен унга “Боламиз ҳали ёш, парварिशга муҳтож. У улғайсин, кейин ўйлаб кўра-миз”, деб бир неча марота-ба тушунтирдим. У эса “Бо-лани онамга ташлаб кетаман, мендан ҳам кўра яхшироқ қарайди”, деб ўз фикрида қатъий туриб олди. Шундай кунларнинг бирида “Агар ос-тонадан бир қадам ташқари чиқсанг, бу уйга қайтиб оёғингни босмайсан”, деб шарт қўйдим. Аммо у ўз ма-сади йўлида ҳеч нарсадан қайтмади. Уйимизда ҳар куни жанжал кўтараверди. Охир-оқибат, ажрашишгача бориб етдик. У қизимизни онаси-

нинг кўлига ташлаб, четга ишлагани кетиб қолди. Ёлғизлик мени анча қийнаб қўйди. Мана, орадан йиллар ўтиб, қайта уйланиб ўз бах-тимни топишга қарор қил-дим. Ёшим 32 да, ишим тай-ин, уй-жойим етарли, турли зарарли одатлардан холи-ман. Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида мен-га ўхшаб ёлғизликдан қўйна-либ, ўз бахтини излаб юр-ган, ёшимга мос, оилам, уйим-жойим дейдиган аёл учраса, хабар берсангизлар.

СОЛИЖОН, Андижон вилояти”.

“Рустам билан институтда бирга ўқиб, севишиб турмуш қургандик. Ота-онам зиёли одамлар бўлгани боис оёққа туриб олишимизга ёрдам берди. Дастлаб ижара уйда яшадик. Биринчи фарзанди-миз Бобуржон туғилгандан кейин икки хонали уй сотиб олдик. Рустам уддабурон, билимли йигит бўлгани учун тезда ўз ишини топиб кетди. У рус ва инглиз тилини пухта билар, чет эл сафарларига бориб турарди. Хизмат поғо-наларидан ҳам тез кўтарилди.

Иши юришиб омади чо-гани сайин ўзгара бошлади. Мени менсимайдиган, арзи-маган хатом учун хақоратлаб, урадиган одат чиқарди. “Пул топиб турибди-ку, оч қолга-ним йўқ”, деб шукр қилиб яшаб юравердим. Ҳақорат-лашларига, турткилашларига чидадим. Аммо бу азоблар ор-тида бошқа сабаб бор экан. Рустам ўзидан беш ёш катта аёлни ёқтириб қолибди. Иккинчи фарзандимиз туғил-ганидан сўнг уйга кам кела-диган одат чиқарди. Биз бор-ми-йўқми, бу билан иши бўлмади қолди. Ҳар замонда келиб, пул ташлаб кетарди. Фарзандларим ҳаққи-хурма-ти барчасига чидаб яшадим. Аммо у энди менда кўнгли йўқлигини, ўша аёл билан ҳаётини боғлашга қарор қил-ганини айтди. Зорим бор-у, зўрим йўқ, биз қонуний аж-рашдик. Икки фарзандим ҳам менда қолди. Болаларим-нинг усти бут, қорни тўқ, аммо ота меҳрига зор. Икки ўғлим-ни аёл бошим билан тарбия қилишга қийналаяпман. Ёшим 41 да, маълумотим олий, уйим-жойим етарли, фарзандларимга оталик қилишни истовчи, оиланинг қадрига етадиган 45-50

ёшлардаги эркак учраса, ҳаётимни у билан боғламоқ-чиман.

ҲИЛОЛА, Тошкент шаҳри”.

“Киз боланинг тенги чик-са, текинга бер” деган гап бор. Бу гапнинг мағзини вақ-тида чақмаганман. Қизим Се-варага келган совчиларга «Ҳали ёш, ўқисин, бунча сеп-мол берсанлар», деб вақтни ўтказиб юборганимни энди тушуниб етдим. Энг ёмони, қизимнинг сеплари тайёр бўлганида эшигимиздан сов-чиларнинг қадами узилди. Аёл кишининг ёнида масла-ҳатгўй, суянчиги бўлмаса қийин экан. Хўжайиним Сева-рам уч ёшга тўлганида авто-ҳалокатга учраб вафот этган эди. Қизимни кўз қорачиги-дай асраб-авайлаб, ҳеч ким-

дан кам қилмай ўстирдим. Ишлаб топган-тутганимни шунга сарфладим. Лекин бахт эшиги очилмаса, қийин экан. Ахир, бир томони ўзбекчи-лик, кимга дардимни ёраман, бегонани-ку қўйинг, хатто энг яқин жигарингизга ҳам қизингиз тақдир ҳақида гап очсангиз, устингиздан кулади ва гийбат қиладди.

Ўтган йили “Оила ва жами-ят”да ўқиб қолувдим. Шунинг учун қизимга ҳам сездирмай, газетдагилар билан боғла-ниб, наманганлик, кўлида хунари бор, ўзи етимликда ўсган бир йигитнинг телефон рақамини олиб, аввал ўзим суҳбатлашдим. Кейин унинг ўзи Андижонга келиб, қизим билан учрашди. Бир-бирла-рига ёқди. Қиройли тўй қил-дик. Хозир қизимнинг кўлида олти ойлик чақалоғи бор. Унга яхши ният билан Бахтиёржон деб исм қўйдик. Ниятним, ҳар кимнинг ҳам бахти бутун бўлсин, сизларга раҳмат!

КОМИЛА хола,
Андижон вилояти”.

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» руқнига хат йўллаётган ёки бево-сита муружаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумот-нома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашган-лар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширшлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

2012 йилда таксилар қандай ҳаракатланади?

Хукуматимиз томонидан автомобиль транспортида йўловчилар ташиш масаласига жиддий эътибор қаратилаётгани боис йил сайин бу соҳада кескин ўзгаришлар рўй бермоқда. Аҳолига ҳар томонлама қулайлик яратиш мақсадида транспорт хизмати кўрсатишда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлаш муҳим омил ҳисобланади.

Маълумки, Президентимизнинг 2006 йил 9 мартда қабул қилинган қароридан автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаоли-

ятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш мақсадида йўловчиларни шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро, халқаро йўналишларда тижорат асосида ташиш фаолияти фақат юридик шахслар томонидан махсус лицензиялар асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилган эди.

Ушбу қарор ижросини босқичма-босқич ҳаётга кенг татбиқ этиш мақсадида солиқ органлари ҳамда йўл патруль хизмати ходимлари ҳамкорликда Автомобил ва дарё транспорти агентлиги томонидан берилган лицензияларига асосан фаолиятни амалга ошираётган ҳолатлар бўйича назорат тадбирлари ўтказилиб, унда фуқаролар томонидан ноқонуний тарзда йўловчи ташиш фаолияти билан шугулланаётганлик ҳолатлари аниқланиб, қонунбузарларга нисбатан тегишли чоралар кўриляпти. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида пойтахтимизда ноқонуний тарзда йўловчи ташиш фаолияти билан шугулланган 889 нафар фуқаро аниқланиб, уларга нисбатан суд идоралари томонидан қонунда белгилан-

ган тартибда таъсир чоралари қўлланилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майда қабул қилинган «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан кўрсатиб ўтилганидек, йўловчиларга янада қулайлик яратиш мақсадида тегишли чоралар белгилаб, бу борада амалий тадбирлар кўрилмоқда. Мазкур қарорга асосан йўналишсиз таксилар учун ягона таниш белгилари ва уларнинг ишларини таш-



қил этишга қўйиладиган талаблар тўғрисида Низоом ишлаб чиқилиб, унда республикамиз ҳудудида ҳаракатланадиган йўналишсиз таксилар фаолиятига оид қондалар батафсил ўз аксини топган.

Ягона таниш белгилари транспорт окимида автотransпорт воситасининг ажралиб туришини ва танилишини таъминлаш учун мўлжалланган ҳамда улар йўналишсиз таксиларда йўловчилар ташишни амалга оширувчи барча ташувчилар учун мажбурийлиги белгиланган. Бунда:

— автотransпорт воситасининг давлат рақами белгиси, ҳайдовчининг фамилияси, исми, отасининг исми ва фотосурати, яшаш манзили ва телефон рақами, иш вақтининг бошланиши ва тугаши, йўлқира қиймати, ли-

ҚАРОР ВА ИЖРО

цензия карточкаси рақами ва амал қилиш мuddати тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, мажбурий суғурта қилинганлики билдирувчи табличка, ҳисоблагич (таксометр), белгиланган тартибда сотиб олинadиган ва фойдаланиладиган радиоалоқа воситаси, соз ҳолатдаги пломбаланган спидометр жиҳозлари ва белгиланган тартибда давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказилган назорат-касса машинасининг ҳамда тўловларни банк пластик картотчаларидан қабул қилиб олиш учун ҳисоб-китоб терминалининг мавжуд бўлиши;

— йўналишсиз таксининг техник ҳолати ва жиҳозларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлиши;

— ҳайдовчилар йўналишда ишлаётганда тегишли лицензия карточкасига ҳамда йўлга чиқишдан олдин автотransпорт воситасининг белгиланган тартибда техник кўриқдан ва ўзининг ҳам тиббий кўриқдан ўтказилганлиги тўғрисида белгилар қўйилган йўл varaқасига эга бўлишлари белгилаб берилган.

Мазкур талаблар 2012 йилнинг 1 январидан қўллаб қўйишга қўйилган. Шу билан бирга, қарорда назорат қилувчи органлар зиммасига ҳам қатор масъулиятли вазифалар юклатилган.

Яъни, бу ҳужжатда белгиланган талаблар ижросини назорат қилиш бўйича мунтазам равишдаги қўшма рейд-текширувларини фаолаштириш; жорий этилаётган талаблар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлики ривожлантириш учун, шу жумладан, йўналишсиз таксиларда йўловчилар ташиш соҳасида яратилаётган қулай шарт-шароитлар тўғрисида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш режалаштирилган.

Албатта, давлатимиз томонидан йўловчиларга янада кенгрок имкониятлар яратиш ниятида жорий этилаётган бундай талаб ва тартибларга амал қилиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Завкий ЮЛДОШЕВ,
Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармасининг Жисмоний шахсларга солиқ солиш бошқармаси бошлиғи.

САВОЛ-ЖАВОБ

мулк ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, никоҳдан ажратиш жараёнида томонларнинг тўйни ўтказишга кетган сарф-харажатларини ундириш ҳақидаги талаблари қаноатлантирмайди. Миллий урф-одатларга кўра, тўй муносабати билан келинга берилadиган сеп ва сарполар, шунингдек, эр ёки хотиннинг шахсий фойдаланувига берилган совгалар хусусий мулк сирасига киради. Бироқ келинсалоом, туғилган кун, чакирик сингари маросимларда эр-хотиннинг умумий фойдаланувига берилган квартира, автомашина, гилам, телевизор ва шунга ўхшаш буюмлар никоҳ давомида ортирилган умумий мулк ҳисобланади. Шу боис улар никоҳдан ажратиш вақтида тенг равишда тақсимланади.

Саволга Жомбой туман 2-сонли ДНИ нотариуси Гулнора ҚУРБОНОВА
жавоб берди.

СПОРТ СПОРТ

Антон — халқаро турнир ғолиби

Москва шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича ўтказилган халқаро турнирда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Антон Фокин олтин медални қўлга киритди.

Халқаро турнирда мезбонлар билан бирга Ўзбекистон, Беларусь, Украина, Исроил, Буюк Британия каби давлатлардан келган кучли гимнастикачилар ғолиблик учун куч синашди. Мусобақанинг эркаклар ўртасидаги брусда машқ бажариш баҳсларида ўзбекистонлик Антон Фокин 15,450 балл жамғариб, асосий рақобатчилари — беларуслик Александр Саревич ҳамда украиналик Олег Степкони орта қолдирди ва шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Таҷрибали гимнастикчимиз халқаро турнир давомида халқда машқ бажариш бўйича 14,8 балл билан учинчи ўринни эгаллади.

Чавандозлар мусобақаси

Тошкент вилоятининг Пискент туманида улоқ-кўпқари бўйича Ўзбекистон кубоги баҳслари бўлиб ўтди.

Мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва Сурхондарё, Фарғона, Наманган, Сирдарё, Жиззах вилоятларидан 100 нафардан зиёд чавандозлар иштирок этди.



Турнирда Тошкент вилояти чавандозларининг кўли банд келди. Иккинчи ўринни Фарғона вилояти терма жамоаси эгаллади. Кейинги ўрин эса Тошкент шаҳри ва қорақалпоғистонлик чавандозларга насиб этди.

Юрий Красножан «Анжи»да

«Анжи» клубига бош мураббий этиб россиялик мутахассис Юрий Красножан тайинланадиган бўлди. Бу — энг охири аниқ хабар, дея эътироф этилмоқда.

Гарчи, сал аввалроқ ушбу мутахассиснинг Махачқалъа клубига спорт директори сифатида фаолият юритиши ҳақида хабарлар тарқалган эди. 48 ёшли Красножан Россия иккинчи термасининг бош мураббийи сифатида ҳам ишини давом эттиради.

Янги йилга Қасножан «Анжи» клубини қабул қилиб олади.

Эслатиб ўтамиз, мазкур мутахассиснинг охири ишлаган жойи Москванинг «Локомотив» клуби эди. Шу йилнинг 6 июнь кунини у «Локо»нинг директорлар кенгаши томонидан истеъфога чиқарилган эди.

Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

Мулкни бўлишолмаяпмиз

Эрим билан ўн йил бирга яшадик. Икки нафар фарзандимиз бор. Лекин у мулкнинг равишда ичкиликка берилгани ҳамда ҳеч қаерда ишламасдан, устига устак пуқул жанжал қилавергани туфайли охири ажратишга қарор қилдим. Судда эрим уртамиздаги мол-мулкка менинг ҳаққим йўқлигини айтиб, туполон кўтарди. Бундай ҳолатда уз улушимни қай тартибда ундиришим мумкин?

С. ЖИЯНОВА,
Самарқанд вилояти.

— Оила кодексининг 23-моддасида белгиланганидек, эр-хотиннинг никоҳ давомида ортирган ва никоҳ қайд этилгунга қадар уларнинг умумий маблағи ҳисобига олинган мол-мулклари, қонунда ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳолат кўрсатилмаган бўлса, уларнинг умумий мол-мулк ҳисобланади. Уларнинг даромадлари ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас ашёлар, қимматли қоғоз-

лар, пай-улушлар, омонатлар, кредит муассасаларига ёки бошқа тижорат ташкилотларига киритилган капиталдаги улушлар ҳамда никоҳ давомида ортирилган ҳар қандай мол-мулклар, қай бирининг номига расмийлаштирилган бўлишидан қатъи назар, умумий мол-мулклар сирасига киради. Эр ёки хотин уй-рўзгор ишларини юритиш, бола парвариш билан банд бўлган ёки бошқа узрли сабабларга кўра мустақил даромадга эга бўлмаган тақдирда ҳам биргаликда турмуш даврида ортирилган мол-мулк уларнинг умумий бўйлиги сирасига киради ҳамда унга нисбатан эр-хотиннинг ҳуқуқлари тенгдир.

Оила кодексининг 25-26-моддаларига биноан, эр ёки хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мулк, никоҳ давомида ҳада, мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулк, шахсий фойдаланувидagi кийим-бош, пойабзал ва шу каби бошқа буюмлар эса унинг хусусий

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом ақлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Таҳририятга келган кўлемли муаллифларга қайтарилмайди.
Реклама материаллари мазмуни учун таҳририят жавобгар эмас.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси басмаҳонасида чоп этилди.
Тошкент, Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти — 15:00
Босишга топширилди — 15:00

ISSN 2010-7609
БОШ МУҲАРРИР:
НОРҚОБИЛ ЖАЛИЛОВ
Қабулхона: (тел./факс) 233-28-20
Котибият: 237-21-82
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46
МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темура кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга олинган. Буортма Г — 1228. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ. Адади — 7445.
Баҳоси келишилган нарҳда.
Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАББОРОВ
Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОНОВ
Мусахҳилар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,
Гулноза БОБОЕВА
Web-site: oilavajamiyat.uz 1 2 3 4 5

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz